

Рамазоннинг биринчи куни:

- Хазрати Иброҳимга (алайҳиссалом) саҳифалар туширилди; милодий 624 йили 26 февралда (хижрий 2 йил) мусулмонлар илк бор рамазон рўзасини тута бошлашди; милодий 641 йили 13 августда (хижрий 20 йил) Миср фатх этилди.

Рамазоннинг иккинчи куни:

- хижрий 82 йили Рамазон ойининг иккинчи куни Магрибул-Асват (Марокаш) давлати фатх этилди; милодий 750 йил 13 апрелда (хижрий 132 йил) Абдуллох Абул Аббос Дамашкини эгаллади, умавийлар ҳукмронлиги тугатилиб, аббосийлар давлати қурилди.

Рамазоннинг учинчи куни:

- милодий 632 йил 21 ноябрда (хижрий 11 йил) Пайгамбаримизнинг (алайҳиссалом) кизлари Фотимаи-Захро (розийаллоху анҳо) вафот этди.

Рамазоннинг тўртинчи куни:

- милодий 1664 йил 12 апрелда (хижрий 1074 йил 4-Рамазон) Усманийлар давлати ерига рухсатсиз қалъа қурган Олмонияга қарши муҳораба бошланди.

Рамазоннинг бешинчи куни:

- милодий 1268 йил 9 ноябрда мусулмонлар 170 йил салибчилар қўл остида бўлган Антокия шаҳрини қайтариб олишди.

Рамазоннинг олтинчи куни:

- милодий 1138 йил 17 майда (хижрий 532 йил) мусулмонлар Шимолий Суриянинг Халаб шаҳрида илк бор салибчилар устидан ғалаба қозонишди.

Рамазоннинг еттинчи куни:

- милодий 971 йил 22 майда (хижрий 361 йил 7-Рамазон) Мисрнинг Коҳира шаҳрида Ислом оламидаги энг йирик ўқув даргоҳларидан "Ал-Азхар" жомеъига асос солинди.

Рамазоннинг саккизинчи куни:

- милодий 630 йил 18 декабрда (хижрий 9 йил) Табук шаҳрига юриш бошланди.

Рамазоннинг тўққизинчи куни:

- милодий 712 йил 18 июнда (хижрий 93 йил) Андалусия фатҳи бошланди.

Рамазоннинг ўнинчи куни:

- милодий 620 йили Рамазоннинг 10-куни мўминлар онаси Хадичаи Кубро вафот этдилар.

Рамазоннинг ўн биринчи куни:

- милодий 477 йил 25 майда (хижрий 129 йил) Хуросонда умавийларга қарши ҳаракат

бошланди.

Рамазоннинг ўн иккинчи куни:

- милодий 879 йил 7 майда (хижрий 265 йил) Кохирадаги машхур Ибн Тулун жомеъ масжиди куриб битказилди.

Рамазоннинг ўн учинчи куни:

- милодий 636 йил 18 октябрда (хижрий 15 йил) Умар ибн Хаттоб Куддус шахрига кириб бордилар ва шаҳар аҳолисига омонлик ахдномасини ёзиб бердилар.

Рамазоннинг ўн тўртинчи куни:

- милодий 1347 йил 18 декабрда (хижрий 748 йил) илм-маърифатга катта хисса кўшган Миср хукмдори Хасан ибн Носир Муҳаммад Каловун хукмронлиги бошланди.

Рамазоннинг ўн бешинчи куни:

- милодий 625 йил 1 мартда (хижрий 3 йил) Пайгамбаримизнинг (алайхиссалом) севимли набиралари Имом Хусайн тугилди.

Рамазоннинг ўн еттинчи куни:

- милодий 660 йил 24 январда (хижрий 40 йил) Хулафои рошидиннинг тўртинчиси Хазрати Али (қаррамаллоху важаҳу) ҳамда 676 йил 12 июлда (хижрий 56 йил) мўминлар онаси Хазрати Оиша (розийаллоху анху) вафот этишди.

Рамазоннинг ўн саккизинчи куни:

- милодий 642 йил 20 августда (хижрий 21 йил) "Сайфуллох" лақабини олган ва умрини Ислому раванкига бағишлаган Холид ибн Валид (розийаллоху анху) вафот этди.

Рамазоннинг йигирма иккинчи куни:

- милодий 630 йил 12 январда (хижрий 8 йил) Тоиф шаҳри мусулмонлар кўлига ўтди.

Рамазоннинг йигирма учинчи куни:

- милодий 652 йил (хижрий 31 йил) сосонийлар давлати тўла фатх этилди.

Рамазоннинг йигирма бешинчи куни:

- милодий 1070 йили (хижрий 463 йил) Салжукийлар султони Алп Арслон кўшини Малазгирт яқинида Византия империяси ва салибчиларини тор-мор этди.

Рамазоннинг йигирма олтинчи куни:

- милодий 1401 йил 16 мартда (хижрий 808 йил) машхур комусий олим ва тарихчи Абдурахмон ибн Халдун вафот этди.

Рамазоннинг йигирма саккизинчи куни:

- милодий 631 йил 1 январда (хижрий 9 йил) Тоифдаги Сакиф қабиласи Расулуллох (алайхиссалом) хузурларида Ислому қабул қилди.

Рамазоннинг йигирма тўққизинчи куни:

- милодий 624 йил 24 мартда (хижрий 2 йил) мусулмонларга Ислом арконларидан закот, фитр садақаси, хайит намози буюрилди.

Рамазоннинг ўттизинчи куни:

- милодий 869 йил 31 августда (хижрий 256 йил) буюк мухаддис, "Сахиул Бухорий" муаллифи Муҳаммад ибн Исмоил ал- Бухорий вафот этди.

Чуст шаҳридаги "Саид Насимхонтура" жомеъ масжиди имом-хатиби Баходир ШАРИПОВ тайёрлади.